

Эътиборли бўлинг!



11:00 / 17.07.2021 4946

Худхуд (сассиқпопушак) Сабаъ қавмидан қайтиб келганида, у ерликларнинг тараққий топиб, ривожланиб кетгани, шаҳарлари гуллаб-яшнаб, обод бўлиб кетгани ҳақида сўзламади.

Балки, уларни танқид қилиб, ишларидан ажабланган ҳолда: «Мен у ва унинг қавми Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда-ибодат қилаётганларини кўрдим», деб айтди.

Бугунги кунда баъзилар агар ғарб давлатларида бўлиб, сўнг юртига қайтса, уларни урф-одат ва маданиятлари, эришган ютуқлари, ривожланган турмушларини эртаю кеч мақтаётганига гувоҳ бўласиз. Яна ўз юртини (қолоқлик, ортда қолиш каби турли айбловлар билан) танқид қилиб, ўзининг миллатини айблаётганини ҳам кўрасиз.

Бу ўринда, худхуд (сассиқпопушак)нинг Аллоҳнинг тавҳиди, яъни Унинг яккаю ягоналигига бўлган эътибори бугунги кундаги баъзи мусулмонларнинг эътиборидан кўпроқ эди.

Изоҳ: Сулаймон алайҳиссалом замонларида (милоддин илгари — тахминан ўнинчи асрда) Яман мамлакатининг Сабаъ шихрида Билқийс исмли аёл ҳукмронлик қилган.

Ушбу воқеъа Намл сурасининг 22-25-оятларида қуйидагича келгандир: «Сўнг узоққа қолмай (худхуд келиб) деди: «Мен сен огоҳ бўлмаган нарсадан огоҳ бўлдим ва сенга (Яман мамлакатадаги) Сабаъ (шаҳри)дан аниқ бир хабар келтирдим. Дарҳақиқат, мен бир аёлни кўрдим. У (Сабаъ шаҳри аҳолисининг) маликаси экан. Унга барча нарсдан ато этилган бўлиб, унинг катта тахти ҳам бордир. Мен у ва унинг қавми Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда-ибодат қилаётганларини кўрдим. Шайтон уларга (қилаётган амалларини) чиройли кўрсатиб, уларни (Ҳақ) йўлдан тўсиб қўйгандир. Бас, улар (то) Аллоҳга сажда қилмагунларича (Ҳақ Йўлга) ҳидоят топмаслар. (Аллоҳ) осмонлар ва ердаги барча сирларни ошкор қиладиган ҳамда сизлар яширадиган ва ошкор қиладиган барча нарсаларни ҳам биладиган Зотдир».

Манба: arabic.uz